




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhl>



THE ROLE OF SOCIAL PARTNERSHIP IN THE DEVELOPMENT OF INCLUSIVE EDUCATION

Enajon Zaripbaevna Nishanbaeva

Associate Professor

National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

Abdulla Abdulhamidovich Abdukhalilov

Associate Professor

National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: inclusive education, integration education, actualization, social partnership, social cooperation, civil society, public authorities, non-profit non-governmental organizations.

Received: 04.10.24

Accepted: 06.10.24

Published: 08.10.24

Abstract: Today, the development of inclusive education is one of the most important tasks in the world community. It should be noted that in the process of developing inclusive education, social partnership is of great importance. It is through social partnership that it is possible to establish constructive relations between various interested groups in the field of inclusive education. The article, prepared by the authors, describes the definitions of inclusive education, the history of the development of inclusive education, its principles and international legal framework. In this article, the authors made an analysis of the role of social partnership in the development of inclusive education, and also made suggestions for improving inclusive education in Uzbekistan.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Энажон Зарипбаевна Нишанбаева

Доцент

Ўзбекистон Миллий университети
Ташкент, Ўзбекистон

Абдулла Абдулхамидович Абдухалилов

Доцент

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: инклузив таълим, интегратив таълим, майнстриминг, ижтимоий шериклик, ижтимоий ҳамкорлик, фуқаролик жамияти, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар.

Аннотация: Бугунги кунда инклузив таълимни ривожлантириш жаҳон ҳамжамиятида ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шуни айтиб ўтиш жоизки, инклузив таълимни ривожлантириш жараёнида ижтимоий шерикликни ривожлантириш хам катта ахамиятга эга. Чунки айнан ижтимоий шериклик технологиялари орқали инклузив таълимни ривожлантириш борасида манфаатдор гурӯҳлар ўртасида конструктив муносабатларни шакллантириш мумкин. Муаллифлар томонидан тайёрланган мақолада инклузив таълимга оид таърифлар, инклузив таълимнинг ривожланиш тарихи, унинг тамойиллари ва халқаро ҳуқуқий асослари ёритилган. Шунингдек, ижтимоий шериклик феноменининг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган. Ушбу мақолада муаллифлар томонидан инклузив таълимда ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг ахамияти таҳлил қилиниб, бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

РОЛЬ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА В РАЗВИТИИ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Энажсон Зарипбаева Нишанбаева

Доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Абдулла Абдулхамидович Абдухалилов

Доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: инклузивное образование, интеграционное образование, актуализация, социальное партнерство, социальное партнерство, гражданское общество, органы государственной власти,

Аннотация: На сегодняшний день одной из актуальных задач мирового сообщества является развитие инклузивного образования. Необходимо отметить, что в процессе развития инклузивного образования имеет большое

некоммерческие организации.

неправительственные значение социальное партнерство. Посредством социального партнерства возможно установление конструктивных отношений между различными заинтересованными группами в сфере инклюзивного образования. Авторами в данной статье были освещены основные определения иллюзивного образования история его возникновения, международные правовые документы регламентирующие процесс развития инклюзивного образования. А также был рассмотрен феномен социального партнерства. Данные предложения по усовершенствованию развития инклюзивного образования в Узбекистане.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йигилишида ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаштириш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилиши, уларнинг ўқиши, касб-хунар ўрганиши ва ишлиши учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари кўрилиши, бунда ногиронликни касалликка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, ўзини ўзи эплаши, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгилаш тизимиға ўтилиши таъкидланиб, ана шу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар берилган эди[1].

Шунингдек, Президент Ш.Мирзиёев БМТ Инсон ҳукуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида стратегик йўналишлар, жумладан, Ногиронлар ҳукуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бутун дунёда қарийб 1 миллиардга яқин ногиронлиги бўлган шахслар борлиги хақида ўйлаб, фикр юритсак, бу ниҳоятда аҳамиятли ташаббус эканига амин бўламиз деган эди[2].

Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида жадал суратлар билан инклюзив таълим ривожланмоқда. Чунки айнан инклюзив таълимнинг ривожланиши ногиронлиги бўлган болаларга таълим олишининг кент имкониятларини беради. Ногиронлиги бўлмаган болалар ва шахслар ногиронлик муаммоларини тушунишади. Ногиронлиги бор шахсларнинг жамиятдан ихоталаниши (изоляцияси) камаяди. Натижада ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида намоён бўлади ва жамият ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистонда ҳам инклюзив таълимни ривожланишига бугунги кунда катта аҳамият қаратилмоқда. Жаҳон тажрибаси чукур ўрганилмоқда. Экспертларнинг фикрига кўра инклюзив таълим

ривожланишида ижтимоий шерикликнинг ўрни бекиёсдир. Айнан шунинг учун ҳам инклузив таълимни ривожланишининг асосий тамойилларидан бири ижтимоий шериклик хисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда инклузив таълимга доир олимлар томонидан ҳилма-хил таърифлар берилади.

Инклузив сўзи (лотин тилидан олинган бўлиб, “жалб қилиш” маъносida билдиради. Инклузив таълим ҳамма учун таълим жараёнларини очиқлиги маъносини билдиради. Шунингдек, инклузив таълим барча турдаги болаларга таълим олиш имкониятини беради. Инклузив таълим жараёнида ногиронлиги бор болалар таълим жараёнларига тўлиқ жалб қилинади. Бу ўз навбатида инклузив мактабнинг шароитлари имконияти чекланган болалар учун ҳам мослашиш кераклигини билдиради. Лекин, кўп ҳолатларда интеграция ва инклузия иборалари адаштирилади. Инклузиянинг фарқи шундаки, унда ногиронлиги бўлган болалар таълим жараёнларига тўлиқ жалб этилади. Инклузиянинг асосий мақсади шундаки, истиқболда ҳар бир мактаб турли хил болаларни қабул қилишга тайёрлигини таъминлашдир. Бу эса ўз навбатида мактабдаги маъмурият, ўқитувчилар, ота-оналарни ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан дунёқараси ўзгаришини таълаб қиласди.

Ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб инклузив таълимни ривожлантиришга доир турли хил меъёрий ҳукукий ҳужжатларни қабул қилиш жараёни бошланган. Бу борада ногиронларни жамиятга жалб қилиш учун АҚШ ва Евropa мамлакатларида асосан 3 та ёндашув кенг тарқалган.

1. Мейнстриминг.
2. Интеграция.
3. Инклузив.

Мейнстримингга кўра, ногиронлиги бўлган ўқувчилар ногиронлиги бўлмаган ўқувчилар билан турли хил тадбирларда, байрамларда учрашишади. Шу асосида улар бир бирини хусусиятларини, талабларини билиш имкониятига эга бўлишади.

Интеграцион ёндашувга кўра, ногиронлиги бўлган болалар умумтаълим мактабларига жалб қилинади. Лекин, мактаблардаги таълим тизими ва шароитлар ўзгартирилмайди.

Инклузив ёндашувга кўра, нафақат фақат ногиронлиги бор болалар жалб қилинади, балки уларни жалб қиласиган мактаблар ҳам уларнинг талабларига қараб мослаштирилади.

Тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларига кўра, инклузив таълимни ривожланиши таълим соҳасида иқтисодий самарага эришишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда кўпчилик ривожланган мамлакатларда инклузив таълимни ривожлантириш кераклиги

борасида консенсус мавжуд. Давлат ва муниципал мактаблари уларга молиявий ёрдам беришади.[3.10]

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, инклузив таълимни ривожлантириш бу узок муддатли стратегия хисобланади. Мазкур стратегияни ишлаб чиқишида ва амалга оширишида албатта тизимли ёндашувни қўллаш мухим аҳамиятга эга. Инклузив таълимнинг асосий элементлари қўйидагилардан иборат:

Ногиронлиги бўлган болалар мазкур мактабларда ўз ногиронлигини сезишлари керак эмас. Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабдаги болалар сони табиий ҳолатдаги болалар популяцияси билан боғлиқ бўлиши керак. Болалар аралаш гурӯхларда ўқиши, болалар ўзи ёшига тўғри келадиган синфларда таълим олиши, ўқитишининг номарказлаштирилган моделининг мавжудлиги.

Инклузив таълимнинг асосий тамойилларига қўйидагилар киради:

1. Таълим тизимининг ворисийлиги;
2. Ижтимоий шерикликлик тамойили;
3. Таълимнинг тўсиқсиз мухити яратилишишида комплекслик тамойили;
4. Ўқитувчиларнинг професионал компитентлиги[4.10].

Инклузив таълимнинг тузилмаси қўйидаги компонентларини ўз ичига олади:

1. Макон ва моддий компонент.

Мазкур компонент асосан, мактабнинг моддий имкониятларини қамраб олади. Мактаб худудида тўсиқсиз мухитни шакллантиришни тақозо қиласи. Методика мазмуни шундаки, у асосан ҳар бир болага нисбатан индивидуал ёндашувни тақозо қиласи.

2. Коммуникатив ташкилий компонент.

Мазкур компонент педагогларни ногиронлиги бор болалар билан мулокот қилиш қўнимаси ҳисобланади.

Муайян мактабда инклузив таълимни ривожлантириш учун қўйидаги асосий принциплар намоён бўлиши керак.

1. Мактабнинг ўзгаришларга тайёрлиги.
2. Бошқарув мобиллиги.
3. Гуманистик қадриятларнинг мавжудлиги.
4. Таълим жараёнларининг индивидуаллашуви.
5. Индивидуал таълим жараёнларига оид ресурсларнинг мавжудлиги. [5.21]

Ўз навбатида инклузив таълимни ривожланиш жараёнида халқаро ҳуқукий хужжатларнинг ўрни бекиёсдир. Чунки айнан халқаро ҳуқуқ меъёрлари халқаро ҳамжамият учун инклузив таълим ривожлантириш учун мухим омил хисобланади. Инклузив таълимни ривожланишида халқаро ҳуқуқнинг тараққиёт жараёнлари ярим асрдан кўпроқ

тариҳга эга [6.12]. Бу борадаги энг муҳим ҳалқаро ҳужжатлардан бири бу 1948 йилда қабул қилинган Инсон хуқуқлари умужаҳон декларациясидир. Мазкур ҳужжат инсон хуқуқларини таъминлашга қаратилған бошқа ҳалқаро ҳуқукий ҳужжатларни ривожланишига олиб келди. Мазкур декларацияда қайд этилишича: “Ҳар бир инсон тенгдир”[7]. Айнан шунинг учун ҳар бир инсон бепул бошланғич таълим хуқуқига әгадир. Шунингдек, ҳар бир болани таълим олиш teng хуқуқлари мавжудлиги 1959 йилда қабул қилинган бола хуқуқлари декларациясида ҳам ўз ифодасини топған. Мазкур декларацияда қайд этилишича, ҳар бир бола жамиятнинг тұлақон аъзоси бўлиши учун, шунингдек, ривожланиши учун таълим олиш хуқуқига әгадир[8].

Яна бир муҳим ҳалқаро ҳужжатлардан бири, 1960 йилда қабул қилинган “Таълим олишда камситишга қарши курашиш конвенцияси”дир. Мазкур конвенцияда таълим олиш жараённан камситилишнинг ҳар бир шакли тақиқланған[9]. Бирлашған Миллатлар Ташкилоти Бөш Ассамблеяси томонидан 1969 йилда қабул қилинган “Ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш декларацияси”да ақлий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлған инсонларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш ҳақида айтилған. Уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш тадбирлари қуйидагилардан иборат бўлиш керак: техник воситалар ва тиббий муолажалар билан таъминлаш, уларга таълим бериш, иш билан таъминлаш жараённан муайян имтиёзлар бериш, шунингдек, ёрдамнинг бошқа турларини тақдим этиш кўзда тутилған[10.12].

Бирлашған Миллатлар Ташкилоти томонидан 1971 йилда қабул қилинган “Ақли заиф инсонлар хуқуқлари тўғрисида”ги декларацияда ногиронлиги бор шахслар учун таълим олиш хуқуқи белгилаб қўйилған.

Ногиронлиги бор шахсларнинг таълим олиш хуқуқини белгилаб қўйған ҳалқаро ҳужжатлардан бири бу “Ногиронлар хуқуқлари декларацияси”дир. Мазкур ҳалқаро ҳужжат 1975 йилда Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг 3447-сонли резолюцияси асосида қабул қилинган. Шунингдек, мазкур ҳужжатлар қаторида Дакар режаси (2000 йил) ҳам муҳим ҳужжатлардан биридир, ушбу ҳужжат ногиронлиги бор шахсларга teng имкониятларни яратиш борасидаги стандарт қоидалардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳалқаро ҳужжат 1993 йилда қабул қилинган. Ушбу ҳалқаро ҳужжатнинг 6-қоидасида ногиронлиги бор шахсларнинг таълим олиши умуммилӣ таълим тизими асосида олиб борилиши кераклиги қайд этилған. Шунингдек ногиронлиги бор шахслар умумтаълим мактабларда таълим олиш хуқуқлари мавжудлиги ҳам мазкур ҳалқаро ҳужжатда ўз аксини топған. Лекин коммуникатив муаммоларга дуч келадиган ногиронлиги бор шахслар учун маҳсус таълим масканлари шаклланиши мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳам ушбу ҳужжатда қайд этилған[11]. 1994 йилда ўтказилған таълимга бағищланған ҳалқаро конференцияда

Саламанк декларацияси қабул қилинганды. Мазкур декларацияда ҳукуматлар инклузив таълимни ривожлантириш кераклиги айтилган. Давлатлар бу борада лойиҳаларни ишлаб чиқиши лозимлиги, инклузив таълимни ривожлантириш режаларини тузишлиги, ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналарини таълим жараёнида иштирок этишини, шунингдек, ўқитувчиларни таёrlаш дастури ишлаб чиқилиши қайд этилган[12].

2000 йилда катталарга таълим бериш борасида Гамбург декларацияси қабул қилинди. Мазкур меъёрий ҳужжатнинг 22-банди ногиронлиги бор шахсларга бағишенганды. Унда ногиронлиги бор шахслар таълим тизимиға интеграция қилиниши кераклиги қайд этилган. Шунингдек, ногиронлиги бор шахслар ўзларнинг эҳтиёжлари ва талабларига кўра таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги яна бир бор ўз аксини топган[13]. Ҳозирги кунда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган энг муҳим ва охирги халқаро ҳужжатлардан бири бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ногиронлар ҳуқуқлари конвенцияси” ҳисобланади. Мазкур конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 61106-сонли резолюцияси асосида 2006 йил 13 декабрь куни қабул қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ногиронлар ҳуқуқлари конвенцияси”нинг 24-моддасида ногиронларнинг таълим олиш ҳуқуқлари белгиланган. Ушбу моддада айтилишича, ногиронларга таълим олиш борасида тенг имкониятлар яратиш, уларни камситмаслик учун давлатлар инклузив таълим тизимини шакллантиришлари лозим[14]. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, 2009 йилда Ўзбекистон мазкур конвенцияни имзолаган. Ҳозирги кунда ушбу конвецияни ратификация қилиш борасида ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, охирги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларнинг турмуш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган 5770-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони ногиронлиги бор шахсларга нисбатан давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатининг бурулиш палласи сифатида эътироф этишимиз мумкин[15]. Мамлакатимизда инклузив таълимни ривожлантиришга қаратилган ҳозирги кундаги муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” фармони ҳисобланади. Инклузив таълимни ривожлантириш борасида мазкур қарорда қуйидагиларга эътибор қаратилган: имконияти чекланган болалар ўқийдиган биноларга доир талабларни ишлаб чиқилиши, имконияти чекланган болалар таҳсил олаётган мактабларни керакли адабиётлар ва методик қўлланмалар билан таъминлаш, имконияти чекланган болаларни таълим олиш учун

инклузив таълим тизимини яратиш, имконияти чекланган болалар ўқиётган мактабларни маҳсус воситалар, кўтаргич (пандус)лар ва хоказолар билан таъминлаш, шунингдек, бу борада фаолият олиб борувчи кадрлар (педагог-дефектолог, имконияти чекланган болаларга психологик ва педагогик кўмак берадиган мутахассислар) билан таъминлаш, жамоатчилик орасида имконияти чекланган болаларни таълим олиш хуқуқлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш[16].

Фикримизча, мамлакатимизда инклузив таълимни ривожлантириш учун куйидаги механизmlарга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунда инклузив таълимга оид модда киритиш лозим. Ушбу моддада имконияти чекланган болаларни инклузив таълим олиш хуқуқлари акс эттирилиши, улар таълим олиши учун барча шароитлар яратилиши кўзда тутилиши мақсадга мувофик.

Иккинчидан, мамлакатимизда инклузив таълимни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқарилиши керак. Маълумки, Ўзбекистонда 1995 йилдан бери халқаро донорлар кўмагида инклузив таълимни ривожлантиришга қаратилган ҳилма-хил лойиҳалар амалга оширилди. Уларнинг аксарияти тренинг-семинарларни ўtkазиш билан чекланди. Инклузив таълимнинг ривожланиш ворисийлик қадами кузатилмади. Мазкур ворисийликни таъминлаш учун, шунингдек, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини аниглаш учун инклузив таълимни ривожлантиришга доир давлат стратегияси зарур, деб хисоблаймиз.

Учинчидан, инклузив таълимни жорий қилаётган мактабларда тўсиқсиз мухитни шакллантириш дастури ва низоми ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу низомда инклузив таълим тузилмасининг “моддий-техник таъминоти, методик таъминот ва шунингдек коммуникатив жараёнлар” акс эттирилиши лозим.

Тўртинчидан, “ёрдамчи-педагоглар”ни таёrlаш тизимини йўлга қўйиш инклузив таълимни ривожланишида ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мутахассислар тифлопедагогика, олигофренопедагогика, сурдопедагогика борасида катта билимларга эга бўлишлари лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистонда персонал ёрдамчи тушунчаси меъёрий-хуқуқий хужжатларда акс эттирилиши лозим. Истиқболда персонал ёрдамчи ногиронлиги бор шахсларга ёрдам бериши мумкин бўлади.

Юкорида келтирилган механизmlар инклузив таълимни ривожлантиришда ҳамма жараёнларни акс эттирмайди, лекин, фикримизча, юкорида келтирилган механизmlарни жорий этилиши мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида интеграциялашувига ёрдам беради.

Юқорида айтилганидек, инклузив таълимни ривожлантириш учун ижтимоий шериклик аҳамияти бекёсdir.

Бизнингча, ижтимоий шериклик – бу давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва манфаатларни уйғулаштириш асосида жамиятда мавжуд бўлган муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган мuloқot ҳамда консенсусга келиш тизимиdir[17.17].

Ижтимоий шерикликнинг бош мақсади деб, унинг асосий субъектлари манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштиришни кўрсатиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам, ижтимоий шериклик бугунги кунда жамиятда умумисоний қадриятлар устуворлигини таъминлайдиган ижтимоий институтларнинг ўзаро келишув жараёнини, унда умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғуллигини таъминлаб турувчи фуқаролик жамияти институтларининг ишлаш механизмини ҳам ифодалashi лозим. Бу эса ижтимоий шериклик муносабатлари муаммоларини тадқиқ этишда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади:

- инсоният тарихида ва ривожланган мамлакатларда ижтимоий шериклик муносабатлари такомиллашуви тажрибаларини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш;
- ижтимоий шериклик муносабатларининг жамиятимизда рўй бераётган сиёсий ўзгаришларга таъсири ва бунда фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустахкамлаш жараёнини тадқиқ қилиш;
- давлат ташкилотлари ва маҳаллий бошқарув идораларининг ижтимоий шерикликни ташкил қилиш билан боғлиқ тарихий жараёнлар, турли ташкилотлар ҳамкорлиги ва ўзаро муносабатларидаги ролини аниқлаш;
- жамиятнинг турли жабҳаларида (иқтисод, сиёsat, ижтимоий соҳа, маданият ва ҳ.к.) ижтимоий шериклик муносабатларининг самарали механизмини ишлаб чиқиш, уни ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этишининг мақбул йўллари ва усулларини излаб топиш. Шу билан бирга, мазкур масалага комплекс ёндашиш, мавзуга тарихийлик ва замонавийлик диалектикаси нуқтаи назаридан қарашгина ижтимоий шериклик тизимининг ички тузилиши, элементлари ва тармоқлашуви, уни ривожлантириш динамикаси асосида мавжуд ҳолатни баҳолаш имконини беради. Мавзунинг мамлакатимиз ҳаётига хос хусусиятларини чуқур ўрганмасдан ва бу борадаги натижаларни ҳисобга олмай туриб, фуқаролик жамияти талаблари даражасидаги ижтимоий шериклик тамойилларини амалга ошириб бўлмаслиги, шубҳасиз.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунда бу тушунчага қўйидагича аниқ таъриф берилган: «Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари

ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқукий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чикиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир»[18]. Бу таъриф шуни англатадики, хуқукий давлатни ижтимоий шерикликнинг тамойиллари ва қадриятларини амалга оширилмасдан ҳам тасаввур қилиб бўлмайди, чунки улар давлатга зарурий мафкуравий барқарорликни таъминлаб беради. Бизнинг назаримизда «ижтимоий шериклик» деганда – инсон хуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, ижтимоий адолат ва ўзаро бирдамлик тамойиллари тан олинувчи ўзига хос сиёсий муносабатларга айтилади.

Ижтимоий шериклик тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- 1) универсал ва доимий тинчлик факат ижтимоий адолат асосида белгиланиши мумкин;
- 2) ҳеч бир мамлакатда меҳнаткашларга шароит яратмаслик ишчиларнинг позициясини яхшилаш учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин;
- 3) сўз эркинлиги ва ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик учун доимий шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- 4) миллати, эътиқоди ва жинсидан қатъи назар, барча одамлар teng ҳуқукга эгадирлар ва маънавий-аҳлоқий талаблар ҳам айни шу эҳтиёжлардан келиб чиқади;
- 5) тарафларнинг тенглиги;
- 6) қонун хужжатларига риоя этилиши;
- 7) ихтиёрий мажбурият;
- 8) маслаҳат бериш;
- 9) келишув усуулларининг (келишув, музокаралар) устуворлиги.

Ижтимоий шерик сифатида давлатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) ижтимоий шерикликнинг ҳуқукий соҳасини такомиллаштириш;
- 2) ижтимоий мулоқот иштирокчиларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- 3) меҳнатга оид низоларни ҳал қилишда иштирок этиш, тарафларнинг рационал келишуви.

Ижтимоий шерикликнинг марказида учта ўзаро таъсир қилувчи институтларнинг ҳар бирида долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излашга имкониятлар бор. Яъни, ушбу муҳим муаммоларни бартараф этишда томонларнинг ҳар бирининг саъи-ҳаракатлари ва имкониятларини бир-бирига бирлаштириш; низоларни ҳал қилишда томонлар ўртасида конструктив ҳамкорлик қилиш; ижтимоий муаммоларга аниқ ечим топиш истаги; қарорларни номарказлаштириш (ишчиларни манбаат ва эҳтиёжларини

хисобга олиш), давлат патернизми йўқлиги (давлатнинг ёки корхона бошқарув тизими устун бўлган шарт-шароитларда ишчилар хатти-ҳаракатларида пассивлик, меҳнат самарадорлигини пасайиши кузатилади); ўзаро манфаатдор томонлар фаолиятини назорат қилиш ва кўриб чиқиш (иш берувчи ва ходимлар); ҳамкорликнинг қонуний асослилиги, ҳар бир партия ва умуман жамият учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу боисдан ҳам баъзи адабиётларда «Ижтимоий шерикликнинг турли шаклларида ривожланиши замонавий бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини мустаҳкамлаш ва уни ижтимоийлашув жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади»[19.399] деб таъкидланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрни, унинг ривожланишини ижтимоий-сиёсий ва тарихий нуқтаи назардан асослаш ва ретроспектив ўрганиш бу борада ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик бир қатор жараёнларга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини кўрсатади. Бунда аввало, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликнинг асосий хусусияти, ижтимоий шериклик тизими доирасида унинг элементлари тенг ҳуқуқли субъектлар каби намоён бўлади. Маълумки, ижтимоий шериклик ўз-ўзидан ривожланмайди, унинг субъектлари бир қатор тамойилларга амал қилиши талаб қилинади.

ХУЛОСА

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда инклузив таълимни ривожлантиришда албатта ижтимоий шериклик жараёнларига таяниш лозим. Бу борада ижтимоий шериклик асосан, давлат ҳокимияти органлари ва ногиронлар жамоат ташкилотлари ўртасида бўлиши керак. Чунки айнан, ногиронлар жамоат ташкилотлари ногиронлиги бор шахсларга нима муҳимлиги ва кераклиги ҳақида давлат органлариға маслаҳат бера олади. Ногиронлиги бор болаларни талаблари ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда мактабда тўсиқсиз муҳитни яратишга ёрдам беришади.

Шунингдек, ижтимоий шериклик мазкур жараёнда мактаблар ва ногиронлиги бор шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қиласиган жамоат ташкилотлари ўртасида ҳам муҳим ҳисобланади. Айнан ногиронлиги бор шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қиласиган ташкилотлар муайян мактабда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга ногиронлиги бор болалар билан коммуникация қилиш қўнималарини шакллантиришга ёрдам беришлари мумкин. Ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналари мактаб ва ногиронлиги бўлмаган болалар ота-оналари ўртасиги ижтимоий шериклик бу борада ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ногиронлиги бўлмаган болаларнинг ота-оналари ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналарига инклузив таълимни амалга оширишда ёрдам беришлари зарур. Мазкур жараён албатта ижтимоий шерикликни ўзига хос моделини шаклланишини тақозо қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиши керакки, ижтимоий шериклик жараёнлари мамлакатимизда инклузив таълимни ривожланишига ёрдам беради. Ижтимоий шериклик жараёнларининг ривожланиши истиқболда инклузив таълимни барқарор ва тизимили ривожланишига имкон яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <https://aniq.uz/yangiliklar/inklyuziv-talim-yunalishida-hamkorlik-yulga-quyiladi>
2. <https://yuz.uz/news/inklyuziv-talim--barcha-uchun-moljallangan-talim>
3. Табольская О.А., Яковлева И.В. Тьюторство в условиях развития инклюзивного образования. Москва –Берлин. 2019 г.10 стр.
4. Табольская О.А., Яковлева И.В. Тьюторство в условиях развития инклюзивного образования. Москва –Берлин. 2019 г.10 стр.
5. Табольская О.А., Яковлева И.В. Тьюторство в условиях развития инклюзивного образования. Москва –Берлин. 2019 г.21 стр.
6. Сушенцова В.Г., Буркова М.В. Правовая регламентация инклюзивного образования: Международный опыт // Марийский юридический вестник. №1 (20). 2017г. С.12.
7. Инсон хукуклари умужаҳон декларацияси. 1948 й.
8. Бола хукуклари декларацияси. 1959 й.
9. Таълим олишда камситишга қарши курашиш конвенцияси. 1960 й.
10. Сушенцова В.Г., Буркова М.В. Правовая регламентация инклюзивного образования: Международный опыт // Марийский юридический вестник. №1 (20). 2017г. С.12.
11. Стандартные правила предоставления равных возможностей инвалидам. 1993 г.
12. Саламанская декларация. 1994 г.
13. Гамбургская декларация об образовании взрослых. 2000 г.
14. БМТнинг Ногиронлар хукуқлари конвенцияси. 2008 й.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 1 декабрь. ПФ-5720-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2019 йил 29 апрель. ПФ-5712-сон.
17. Муминов А., Нишанбаева Э., Абдухалилов А. Ижтимоий шериклик. Услубий қўлланма. Университет нашриёти. Т.:2018 йил. 17-бет.
18. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.
19. Социальное партнерство Опыт, технологии, оценка эффективности. Нещадин А (общ.ред) СПБ Алетейя 2010. - 399с.